О3
Т71

# ТОШКЕНТ

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

ТОШКЕНТНИНГ 1865 йилги
КАРТА-СХЕМАСИ



# ТОШКЕНТ

## ЭНЦИКЛОПЕДИЯ



**Таҳрир ҳайъати**

НУРИСЛОМ ТЎҚЛИЕВ *(бош муҳаррир)*, УБАЙ АБДУРАЗЗОҚОВ, АБДУҚАЮМ АБДУРАҲИМОВ, МУРОДЖОН АМИНОВ *(масъул муҳаррир)*, ОЗОД АСҚАРОВ, АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ, ВАЛЕНТИНА МОНАСТИРЕТСКАЯ, АБДУЛАҲАД МУҲАММАДЖОНОВ, ҚАРИМ РАСУЛОВ, ҒУЛОМҚОДИР РАШИДОВ, АТҲАМБЕК ФОЗИЛБЕКОВ, ДАВРОН ШОРАҲМЕДОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, РУСТАМ ШОҒУЛОМОВ, ЭРКИН ЭРНАЗАРОВ

37632
321

ҚОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ

## ҚОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ

**Бош муҳаррир** — Н. Тўхлиев (иқтисод фанлари доктори)
**Бош муҳаррир ўринбосари** — Д. А. Шораҳмедов (фалсафа фанлари номзоди)
**Масъул котиб** — Д. Раҳимбеков

**Нашр учун масъул таҳририят**
**ва нашрни тайёрлашда бевосита иштирок этганлар:**

**Илмий-услубий ишлар ва луғатлар таҳририяти** — М. Н. Аминов (мудир), Б. Абдумаликова, А. Абдураҳимов, М. Зоирова, А. Мажидов, Ғ. Низомова, Н. Рўзимуҳамедова, М. Шарипова, Э. Т. Шерматов, Н. Ҳамроева.

**Нашрни тайёрлашда иштирок этганлар:**

**Ижтимоий-сиёсий фанлар таҳририяти** — Э. М. Зокиров (мудир), М. Исломбекова, Н. Муталов, С. Саидаминов, А. Саъдуллаев.
**Маданият, санъат ва адабиёт таҳририяти** — М. Аширова (мудир), М. Абдураҳмонова, Ш. Алимова, Э. Зиёев, М. Исоқова, А. Қаримова, Р. Маҳмудова, М. Ортиқбоева, С. Отажонов, Д. Сирожиддинова, С. Содиқов, В. Хўжаева, Д. Қорабоева, М. Ғаффорова.
**Табиий фанлар таҳририяти** — С. Холназаров (мудир), И. Абдуллаева, В. С. Зайнутдинова, М. Қосимова, А. Хасанов.
**Тарих фанлари таҳририяти** — Ф. Ҳасанов (мудир), Р. Умаров, Г. Хўжаева.
**Техника фанлари таҳририяти** — М. А. Мирбобоев (мудир), Ҳ. Зокиров, Э. Иноғомов, М. Расулова, Т. Фозилов.

**Муқова рассоми** — А. А. Москин
**Бадиий муҳаррир** — А. А. Бурҳонов
**Картограф** — И. Р. Ходиев
**Сураткаш** — А. Сулаймонов
**Тех. муҳаррир** — Дж. Бекиева
**Машина бюроси** — М. Қўшоқова (катта машинистка), П. Мавлонхўжаева, Х. Мухамматхонова, М. Ҳикматова.

**Рассомлар:** Расулев А., Аъзамов Ж., Тўхтахўжаев Ф. Т.,
**Картограф** — Мирзиев М. М.
**Сураткашлар:** Дубровский В. П., Игумнов Ю. С., Қурбонов М. Ж., Таран В. И., Яруллин Р. З., Соин Е. И., Свириденко Г. Н., Штейн М. А., Дидюков В. З., Йўлдошев Э., Қотулев А. Н., Ибрагимов Р., Губенко А. В., Насенников В. П., Русин Ю. М., Пенсон М. М.

асосий кутубхонаси
...ундаментальная ...
ИНВ. № ___
...ДАД • ТашГАУ

Т 00103/358—92 5000000000

© Қомуслар Бош таҳририяти. 1992.

## ТАҲРИРИЯТДАН

«Тошкент» қомуси универсал нашр бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри тарихи ва ҳозирги ҳаётининг турли томонларини ўзида акс эттиради. Унда шаҳар тарихидаги муҳим воқеалар, шаҳарнинг илмий, маданий ва иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар, аҳолиси, табиати, маъмурий районлари, тарихий ёдгорликлари, меъморлик обидалари, даҳа, маҳалла, турар жой массивлари, йирик корхоналари, савдо муассасалари, ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, маданият ва санъат даргоҳлари, матбуоти, ижодий уюшмалари, йирик кўчалари, майдон ва хиёбонлари, истироҳат боғлари, метрополитени, шаҳарнинг бошқа шаҳарлар б-н маданий ва иқтисодий алоқалари, биродарлашган шаҳарлари ва б. ҳақидаги мақолалар берилди. Номлари Тошкент тарихи ва тақдири б-н боғлиқ бўлган ҳамда шаҳар кўчалари ва майдонларида, ёдгорликлар ва мемориал лавҳаларда абадийлаштирилган тарихий шахслар, машҳур фан ва маданият намояндалари, Ўзбекистон ФА академиклари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида биографик маълумотлар ҳам қомусдан ўрин олди. Мақолалар оқ-қора ва рангли фотосуратлар, карта ва схемалар б-н тўлдирилди.

Китоб қисқача тарихий очерк б-н бошланади. Мақолалар (2000 га яқин) алфавит тартибида жойлаштирилди. Бир-бирига алоқадор мақолаларда баъзи маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун ҳавола системаси қўлланилди. Театрлар, институтларнинг номлари қисқа шаклда берилиб, кейин тўлиқ номи ёзилди (мас., **Муқимий номидаги театр,** Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театри). Касалхоналарнинг номларини беришда уларнинг ўзига хос белгилари (мас., шаҳарга оидлиги) ҳисобга олинди (мас., **Шаҳар клиник касалхонаси,** Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси; **Болалар касалхонаси,** 1-бирлашган болалар касалхонаси), баъзи корхоналар, муассасаларнинг номини беришда ҳам шу тартиботга амал қилинди (мас., **Пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси,** Фахмуддин Хўжаев номидаги 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси). Айрим ташкилот номларини, айниқса қисқартирилган номларини беришда ҳар бирига конкрет ёндошилди, мумкин қадар ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилинди, ўрнига қараб расмийлаштирилган номлари ҳам берилди. Кўчалар ҳақида мақола беришда уларнинг тарихий аҳамияти ва бу кўчалардаги ташкилотларнинг ўрни назарда тутилди. «Тошкент» сўзи б-н бошланадиган кўпчилик мақолаларда бу сўз ташлаб кетилди (мас., «Тошкент трактор заводи» ўрнига **«Трактор заводи»,** «Тошкент Техника университети» ўрнига **«Техника университети»**). Лекин «Тошкент» сўзи номнинг таркибий қисмидан иборат ҳолларда бу сўз қолдирилди (мас., **«Тошкент ҳақиқати», «Тошкент денгизи»**). Мақола номини ташкил қиладиган сўзлар шу мақола матнида дастлабки ҳарфлари б-н белгиланди (мас., **Анҳор соҳили** — А. с.). Ихчамлаштириш мақсадида шартли қисқартмалардан фойдаланилди (рўйхат илова қилинди).

Мазкур нашр Қомуслар Бош таҳририяти рус тилида нашр этган «Тошкент» энциклопедияси (Тошкент, 1983) негизида тайёрланди; асосий мақолалар ўзгартирилди, тўлдирилди, маълумотлар б-н бойитилди, заруратга қараб ва мезонидан келиб чиқиб кўп мақола қўшилди ёки чиқарилди. Албатта, бу борада кўп сонли муштарийларнинг бизга йўллаган мактубларидаги мулоҳазалар, матбуотда билдирилган фикрлар назарда тутилди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, қайта қуриш ва жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилиниши муносабати б-н Тошкент шаҳри ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва бошқа жабҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мавзелар, майдонлар, кўчалар, ташкилотлар ва ҳоказолар номлари ўзгариб, тарихий номлари тикланмоқда ёки шарқона шакл олмоқда. Ўзбек тили жумҳуриятнинг давлат тили деб эълон қилиниши муносабати билан атамаларда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Энг муҳими, тарихимизга холис ва илмий ёндошишга йўл очилмоқда. Табиийки, бу жараёнларни китобда акс эттиришга ҳаракат қилинди. Лекин, афсуски, айрим техникавий ва матбаавий қийинчиликлар туфайли мазкур ўзгаришларни китобда тўла акс эттириш имконияти бўлмади. Бунинг устига шаҳримиз тарихи билан боғлиқ кўп масалалар ҳозирги нуқтаи назардан ҳали ўрганилмаган. Бу борада ҳам китобимизда маълум кемтиклик бўлиши мумкин. Бунинг учун муҳтарам китобхонлардан олдиндан узр сўраймиз.

Китоб сўнггида Тошкент ҳаёти б-н боғлиқ муҳим воқеалар йилномаси (хронологияси) ва Тошкент ҳақидаги адабиётлар (асосан китоблар) рўйхати берилди. Китоб саҳифаланиб бўлингандан (1992 й. 15 апрелдан) кейинги шаҳар ҳаётидаги (кўча, майдон ва ш.к. номларидаги) ўзгаришлар воқеалар йилномасига киритилди.

Китобни яратишда, Қомуслар Бош таҳририяти ходимларидан ташқари, тегишли соҳаларнинг етакчи олим ва мутахассислари, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Қомуслар Бош таҳририяти ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини мамнуният б-н қабул қилади.

## АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

а.— аср
авг.— август
ад.— адабиёт, адабиёти
акад.— академик, академиги
апр.— апрель
арх.— архитектор, архитектори
арх-ра — архитектура, архитектураси
археол.— археология, археологик
Ас.:— Асарлар (библиографияда)
б-н — билан
ва б.— ва бошқа, ва бошқалар
ва ҳ.к.:— ва ҳоказо
газ.— газета, газетаси
дек.— декабрь
дел.— делегат, делегати
деп.— депутат, дупутати
д-р — доктор
жан.— жануб, жанубий
журн.— журнал, журнали
з-д — завод
илл.— иллюстрация
илм.-тадқ.— илмий тадқиқот
инж.— инженер (фамилия олдида)
ин-т.— институт
и. ч.— ишлаб чиқариш
й.— йил
каф.— кафедра, кафедраси
ком-т — комбинат
к-т — комитет, комитети
к/т — кинотеатр, кинотеатри
кўч.— кўча, кўчаси, кўчалари
лаб.— лаборатория, лабораторияси
маг.— магазин, магазини
майд.— майдон, майдони
МДҲ — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
м-з — марказ, маркази
мас.— масалан
маъм.— маъмурий
мед.— медиги, медик, медицина
мил.— милодий
мил. ав.— милоддан аввал, милоддан аввалги
моногр.— монография, монографияси
муз.— музика
обл.— область
окт.— октябрь
пед.— педагогика
пос.— посёлка, посёлкаси
просп.— проспект, проспекти
проф.— профессор, профессори
рас.— рассом
ревком — революцион комитет
рев-я — революция
реж.— режиссёр, режиссёри
респ.— республика
р-н — район
сан.— санитария
сент.— сентябрь
сов.— совет, совети
Сов. Иттифоқи Қаҳр.— Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Соц. Меҳн. Қаҳр.— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
стат.— статистика, статистик
ст-я — станция
Т.— Тошкент
т.— том, томлар
тахал.— тахаллус, тахаллуси
тахм.— тахминан, тахминий
терр-я — территория
т. й.— темир йўл
т-р — театр
т-ра — температура
уз.— узунлик, узунлиги
ум.— умумий
ун-т — университет
фам.— фамилияси
фев.— февраль
ф-ка — фабрика
ф-т — факультет
ш.— шаҳар, шаҳри (шаҳар номидан кейин)
шим.— шимол, шимолий
этн.— этнография, этнографик
янв.— январь
ўзб.— ўзбек, ўзбекча
қ.— қаранг
қ. х.— қишлоқ хўжалиги
ҳайк.— ҳайкалтарош
ҲМ — Ҳисоблаш маркази
ҳоз.— ҳозирги

Тошкент 2000 йилликдан ортиқроқ тарихга эга. Бу давр ичида у оддий бир манзилгоҳдан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтди. Асрлар давомида шаҳар ўзининг тинч ҳаётидаги муҳим воқеаларни ва сурonли жангу-жадалларни, юксалиш ва инқироз даврларини бошидан кечирди. Неча бор шаҳар вайрон бўлиб, қайта қад кўтарди. Қадимий ўрнидан неча бор силжиб, номи ҳам бир неча марта ўзгарди.

Тошкентнинг узоқ ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда жуда хилма-хил ҳамда узуқ-юлуқ тарзда акс этган. Зардуштийларнинг қадимий муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат «Турон», аҳолиси эса «тур»лар деб юритилган. Бу ўлкада тур қавмлари уруғ ва қабила оқсоқолларининг диний ва сиёсий қароргоҳи Қанғха (Қанға) шаҳри борлиги тилга олинади. Қадимги форс китобларида Сирдарёдан шимолда зардуштийларнинг муқаддас таоми — хаума тайёрлаб истеъмол қилувчи саклар яшаганлиги қайд этилган.

Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқроқ маълумотлар мил. ав. 2-а.— милоднинг 5-а. ларига мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охирги «Ши» топоними хитойчада «тош» маъносини англатган.

Мил. ав. 3-а. да қадимги Чоч вилоятида ташкил топиб, милоднинг 3-а. гача ҳукм сурган «Қанг» («Қанға» ёки «Қанғха») давлати Хитой ёзма манбаларида «Қангюй» ёки «Қандзюй» номлари б-н тилга олинади. Қадимги тоҳарлар тилида «қанғ» сўзи ҳам «тош» маъносини англатган. Бу давлатнинг пойтахти — Битянь шаҳри бўлиб, у Иоша дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган. Битянь шаҳри Даван (Фарғона водийси) дан 1510 ли (528 км) масофада бўлган. Битянь шаҳрининг бизгача сақланиб қолган харобалари маҳаллий аҳоли ўртасида «Қанқатепа» номи б-н машҳур. У Тошкентдан 70 км жан.да — Сирдарёга яқин ерда, Оҳангарон дарёсининг қуриб қолган қадимги ўзани бўйида жойлашган. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Қанқатепа мил. ав. 3-асрдаёқ атрофи мудофаа девори б-н ўралган ҳамда арқли улкан шаҳар бўлиб, майдони 160 гектарга тенг. Қадимги Қанғ давлатининг фуқароси ҳам «қанғар», «қанзар» кейинчалик «қанғи», «қанғли» ёки «қаъни» деб номланган. Улар ҳиндларнинг қадимги китоби «Маҳабҳарата»да саклар ва тоҳарлар номлари қаторида тилга олинади. Мил. ав. 2—1-а.ларда Қанг давлати ниҳоятда кучайиб, унга бешта йирик давлат тобе бўлган: Юни (Тошкент), Сусйе (Қашқадарё), Фуму (Зарафшон), Ги (Бухоро), Юегянь (Хоразм). Мамлакат теварагн 9104 ли (3,5 минг км), унда 600 минг киши яшаган.

Бизгача етиб келган ёзма манбаларда келтирилган маълумотга қараганда, Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлган. Тошкент араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида «ч» ҳарфининг йўқлиги боисидан арабий асарларда у «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган. Тошкент ҳақидаги дастлабки маҳаллий маълумотлар 9-а. дан бошлаб арабнавис муаллифлар асарларида учрайди. 9- а. математиги ва астрономи Хоразмий, тарихчи Табарий, 10- а. араб географи Истахрий асарларида айниқса қимматли маълумотлар келтирилади. Истахрийнинг «Китоб ал-масолик вал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб»)да Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. 10- а. да ёзилган (муаллифи номаълум) «Худуд ал-олам» («Оламнинг чегаралари») китобида «Чоч — бу катта вилоят, халқи жанговар ва саҳийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айни вақтда подшонинг қароргоҳидир», деб таърифланади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Чоч ўзининг камон ва ўқ-ёйлари б-н машҳурлиги ҳақида мисралар бор.

Шаҳар «Тошкент» номи б-н даставвал 11- а. нинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида тилга олинади. Беруний «Ҳиндистон» асарида Тош-

ларига ва ижтимоий-экологик манфаатларига
хилоф равишда шаҳарда ўнлаб саноат объект-
лари барпо қилинди.

Бугина эмас, Тошкент саноати қанчалик ри-
вожланмасин, умуман шаҳар хўжалиги собиқ
марказдан ва б. ривожланган минтақалардан
тайёр маҳсулот етказиб берилишига бутунлай
қарам бўлиб қолган эди. Марказнинг хукмрон-
лиги шаҳардаги миллий қадриятларнинг йўқолиб
боришига, унинг қиёфасида шарқона кўриниш-
ларнинг нураб боришига ҳам олиб келмоқда эди.

1991 й. 31 августда Тошкентда Ўзбекистон
мустақиллиги эълон қилинди. Ҳар йили биринчи
сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик
куни сифатида байрам қилинадиган бўлди. 1991 й.
29 декабрда республикамиз халқлари мустақил
Ўзбекистон учун якдиллик б-н овоз бердилар. Ўз-
бекистон Республикасининг Президенти илк бор
умумхалқ овоз бериш йўли б-н сайланди. Худди
шу 29 декабрь Ўзбекистон пойтахти аҳолиси
учун ҳам унутилмас кун бўлиб қолди. Улар бирин-
чи бор Тошкент шаҳар Ҳокимини сайладилар.
Демак, шаҳримизда бошқарувнинг тарихий, мил-
лий шакли тикланди.

Тошкентда мустақиллик шарофатидан келиб
чиқиб ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам маънавият со-
ҳаларида туб ислоҳотлар қилина бошлади. Иқти-
содиёт соҳасида бозор муносабатларига ўтилиши
талаблари асосида бизнес, ишбилармонликни, хо-
рижий сармоялар киритилишини рағбатланти-
риш, янги банк-кредит тизимини барпо этиш,
мулкни хусусийлаштиришга доир бир қанча
амалий тадбирлар кўрилди. Шаҳарда хорижий
мамлакатлар соҳибкорлари б-н ҳамкорликда
қўшма корхоналар очиш ривож топа бошлади.

Ўзбекистон ҳукумати 1990 йил январь ойида
«Тошкент аҳолисининг ҳаёти таъминотини тубдан
яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини
таъмирлашни жадаллаштириш юзасидан 1991—
95 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги
чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди,
унда камчиликларни бартараф этиш юзасидан
аниқ вазифалар белгиланди. Шу вазифалар
асосида Тошкентда ишлаб чиқариш қурилиши-
ни кескин қисқартириш, илгари қурилган ва
ишлаб турган объектларда ҳам қатъий тартиб
ўрнатишга киришилди. Шаҳарга керак бўлмаган,
унга зиён етказадиган, табиий муҳитни бузади-
ган корхоналар, ташкилотлар, омборлар ёпили-
ши ёки шаҳардан ташқарига кўчирилиши мақсад-
га мувофиқ топилди. Уй-жой қурилиши суръатла-
рини жадал ошириб, янги уй-жой мавзеларида
ҳам, шунингдек Тошкентнинг Эски шаҳар қис-
мида ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини
эътиборга олиб, бутун ижтимоий инфраструкту-
рани комплекс ривожлантиришга алоҳида эъти-
бор берила бошланди. Шаҳарнинг меъморий
қиёфасини, анъанавий турмуш тарзини ва ма-
ҳаллалараро алоқаларини сақлаб қолиб, унинг
тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмир-
лаш ва ободонлаштириш йўлида катта ишлар
мўлжалланди. Тошкентда 200 дан ортиқ меъ-
морчилик ёдгорлиги бор. Уларнинг бирортаси
ҳам шаҳарликларнинг диққат-эътиборидан чет-
да қолмаслиги керак.



Алишер Навоий ҳайкали. Ўзбекистон миллий боғида.

# А

**АБАЙ КЎЧАСИ**, Туроб Тўла
кўч. ва Хуршид кўч. оралиғида,
Т. маркази ғарбида, уз.— 1,2 км.
Қозоқ ад. асосчиси Абай Қўнон-
боев (1845—1904) номи б-н атал-
ган. Т. зилзиласи (1966) дан ке-
йин шаҳарни қайта қуришда
юзага келган. Кўчага янги
қурилган турар жой квартал-
лари («Марказ-13», «Лабзак»,
«Жангоҳ» массивлари) туташ-
ган. А. к. да Қурилиш давлат
к-ти, Меҳнат вазирлиги, Нарх-
лар давлат к-ти, Давлат арби-
тражи, Ўзбекистон зиёлилари
илмий-маърифий уюшмаси респ.
ва Тошкент обл. правлениелари
жойлашган, 4-стоматология по-
ликникаси, ҳаммом ва б. бор;
яқинида «Алишер Навоий»,
«Пахтакор» ва «Ўзбекистон»
метро ст-ялари жойлашган.

**АББОСОВ** Шухрат Солиҳович
(1931), кинорежиссёр, СССР
халқ артисти (1981). 1946 дан
Т. да. Тошкент театр ва рассом-
лик санъати ин-тини тугатган
(1954). 1959—89 йиллар «Ўз-
бекфильм» киностудиясида реж.
(1982—86 йилларда директор).
1989 дан «Суғдиёна» киностудия-
сининг бадиий раҳбари. Машхур
фильмлари: «Маҳаллада дув-дув
гап» (1960), «Сен етим эмас-
сан» (1963), «Қалбингда қуёш»
(1966), «Тошкент — нон шаҳ-
ри» (1967), «Севги можароси»
(1971), «Абу Райҳон Беруний»
(1974), «Оловли йўллар» (17 се-
рияли телефильм, 1975 — 84)
«Катта урушдаги кичик одам»
(1989) ва б. Ҳамза номидаги
ЎзССР Давлат мукофоти (1974)
лауреати.

**АБДИРОВ** Чоржўй Абдирович
(1933), микробиолог олим, Ўзбе-
кистон ФА акад. (1989). Қора-
қалпоғистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби (1979). ТошМИни
тугатган (1955). ТошМИ микро-



Авиасозлар маданият ва техника саройи.

лари ва ёрдамчи хоналар бир-бири б-н уйғунлашиб кетган. Вестибюлдаги бўртма керамик панно (рас. И. Аблаев), «Санъат» мозаикаси (рас. М. Калагов) ва жимжимадор қандиллар ички кўринишга жозиба бағишлайди. Залда (1500 ўринли) оркестр ўрни, буриладиган доирасимон ва ҳалқали саҳна бор; зал кинопроекция техникаси ва саҳнани ёритиш қурилмалари б-н жиҳозланган. Унда 450 ўринга мўлжалланган балкон ва ложалар бор. Саройда 100 га яқин ҳаваскор коллективлар, турли тўгараклар (2600 дан ортиқ киши) фаолият кўрсатмоқда. И. ч. илғорлари ва новаторлари, мураббийлар слёти, тематик кечалар ўтказиб турилади.

**АВИАСОЗЛАР ШАҲАРЧАСИ**, турар жой массиви. Лойиҳалаштирилган Жануби-Шарқ р-ни таркибида. Оҳангарон шоссеси б-н Лисунов ва Иззат кўч. оралиғида. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1966 й. бошланган. Лойиҳа авторлари: Л. Бурштейн, М. Воробьева, М. Дадамухаммедова, Н. Никифоров ва б. Аҳолиси қарийб 70 минг (1991). А. ш. да асосан 4 — 5 қаватли турар жой бинолари қурилган. Қурилишни ниҳоясига етказиш учун Оҳангарон шоссеси ва Лисунов кўч. бўйлаб 9 қаватли турар жой бинолари қурилмоқда. Массив тўла қуриб бўлингач, з-д олдидаги майдондан бошлаб бутун массив бўйлаб бульварлар, майдонлар ва паркларнинг ягона яшил системасини бунёд этиш кўзда тутилган. Турар жой массивининг м-зи яшил минтақа Лисунов кўч. б-н кесишган жойда; бу ерда 12 қаватли меҳмонхона, универмаг, мебель маг., *авиасозлар маданият ва техника саройи* бор.



Авиасозлар шаҳарчасидаги ёдгорлик.



Авиасозлар шаҳарчаси турар жой массиви. Лисунов кўчаси.

**АВИАЦИЯ ЗАВОДИ**, В. П. Чкалов номидаги авиация и. ч. бирлашмасининг бош корхонаси. Турли конструкциядаги самолётлар, шунингдек халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. 1941 й. Химки ш. (Москва обл.) дан Т.га эвакуация қилинган В. П. Чкалов номидаги авиация з-ди базасида барпо этилган. Улуғ Ватан уруши йилларида жанговар самолётлар ишлаб чиқарилган. Урушдан кейинги йилларда Ил-14 каби ҳоз. замон самолётлари, 1958 дан транспорт самолётлари, 1966 дан «Ан-22» самолётлари, 70-й. бошларидан Ил-76 самолётлари ишлаб чиқаради. З-днинг 17074 ходими ҳукумат мукофотлари б-н тақдирланган; булар орасида 12 Соц. Меҳн. Қаҳр. бор: И. Акмалов, С. И. Кадишев, М. Д. Карболин, А. И. Ломакин, Н. Маннопов, Т. Г. Павлова, К. С. Поспелов, Л. И. Сазонова, В. Н. Сивец, Л. П. Требухин, Е. С. Халапов, Н. С. Хўжаев. З-д икки Ленин ордени (1945, 1982) Меҳнат Қизил Байроқ (1962) ва Октябрь Революцияси (1970) орденлари б-н мукофотланган. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. «Ударник» кўп тиражли газ. (1934 дан) нашр этилади.

**АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ**, Ю. А. Гагарин номидаги авиация техникуми (Охунбобоев кўч., 12), ўрта махсус ўқув юрти. Авиация ва машинасозлик саноати учун 6 ихтисослик бўйича техник мутахассислар тайёрлайди. 1945 й. ташкил қилинган, 1968 й. Ю. А. Гагарин номи б-н аталган. А. т. биноси Европа арх.





Авиация заводи. Самолёт деталларини йиғиш.

услубида классик анъаналарга риоя қилиб қурилган (1912—16; арх. Г. А. Сваричевский). Бу бинода, дастлаб, 2-аёллар гимназияси, кейинчалик Ўрта Осиё давлат ун-ти (ҳоз. ТошДУ) кутубхонаси жойлашган. Техникумда самолётсозлик, асбобсозлик, технология бўлимлари; кечки бўлим, 42 лаб. ва ўқув кабинети, устахона, кутубхона (121 мингдан ортиқ асар) бор (1990). 1990/91 ў. й. техникумда 1450 ўқувчи таълим олди, 107 ўқитувчи ишлади. Ташкил қилинганидан бери 15 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди.

**АВЛОНИЙ** Абдулла (1878—1934), ўзбек миллий уйғониш адабиётининг асосчиларидан, шоир, драматург, журналист, давлат ва жамоат арбоби. Меҳнат Қаҳрамони (1925), проф. (1930). 1918 дан Коммунистик партия аъзоси. Т. да туғилган. Эски мактаб ва мадрасада ўқиган (1884—90). Т. да янги усулдаги мактаблар очган (1904); етим-есирларга ёрдам берувчи «Жамияти хайрия» (1909) ташкилотини, «Турон» (1913; 1914 дан «Туркистон») т-р труппасини, «Нашриёт» (1914), «Мактаб» (1916) китоб нашр қилиш ширкатларини ташкил қилди; «Шуҳрат» (1907), «Турон» (1917) газ.ларини нашр этди. У Тошкент солдат ва ишчи депутатлари Совети аъзоси (1917), (Эски Тошкент солдат ва ишчи депутатлари Совети ижроия к-ти, Т.нинг эски шаҳар сов. раиси (1918), Туркистон КП МК (1918), Туркистон МИК (1919 — 20), Ўзбекистон МИК (1929—30) аъзоси. РСФСРнинг Ҳиротдаги Бош консули (1919—20), «Иштирокиюн» (ҳоз. «Ўзбекистон овози») газ. ташкилотчиси ва муҳаррири (1918), «Касабачилик ҳаракати» журн. муҳаррири (1921). Эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртлари (инпрослар) да мудир (1922—24), Маориф ходимлари эски шаҳар союзи раиси (1923), Туркфронт ҳузуридаги миллий ҳарбий мактаб (1924—29), Ўрта Осиё коммунистик ун-ти (САКУ; 1925—29), Ўрта Осиё давлат ун-ти (1930—34) ўқитувчиси. А. янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар ёзган; унинг шеърий тўпламлари, драматик асарлари нашр этилган. Рус, озарбайжон ва татар ад. намуналаридан ўзб. тилига таржима қилган. К. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести» ўзб. тилидаги нашрининг биринчи таржимони. Туркистон Советларининг ўлка 2-, 5—10-съездлари ва Туркистон КП 2—3- съездлари дел. Боткин кўч. даги қабристонга дафн этилган. Т. даги кўчалардан бири (илгариги Местком кўч.,), 40-, 56-мактаблар А. номи б-н аталган. Уй-музейи ташкил этилган (1988).

**АВЛОНИЙ УЙ-МУЗЕЙИ** (Сапёрлар кўч., 74), адабий мемориал музей. 1968 й. ташкил этилган. Ўзбекистон Китобсеварлар жамияти ташаббуси б-н 1988 й. расмий равишда очилган. Маърифатпарвар, шоир, журналист А. Авлоний 1910—34 йилларда яшаган уйда жойлашган. Экспозициялар адабий ва мемориал бўлимлардан иборат. Музейнинг мемориал бўлимида Авлоний яшаган турмуш шароити сақланган, кутубхона (300 китоб ва журн.) бор. Адабий бўлимда А. Авлоний ҳаёти, фаолияти б-н боғлиқ фотосурат ва ҳужжатлар. ўзб. ҳамда рус тилларида китоблар мавжуд. 1990 й. уй-музейни 1000 дан ортиқ киши кириб кўрди.

**АВТОБУС ПАРКЛАРИ.** Т. да 8 А. п. ва 1 автоколонна бор. 1-автобус парки (Зебо Шамсиддинова кўч., 3) 1973 й. ташкил этилган. ЛАЗ автобусларини эксплуатация қилишга ихтисослашган; 10 шаҳар ичида қатновчи маршрутда аҳолига хизмат кўрсатади (1988 й. 31 млн. га яқин пасс.). 2-автобус парки (Генерал Петров кўч., 263) 1957 й. ташкил этилган. «Икарус» автобусларини эксплуатация қилишга ихтисослашган; 13 шаҳар ичида ва 5 шаҳардан ташқарига қатновчи маршрутда аҳолига хизмат кўрсатади (1988 й. 62 млн. га яқин пасс.). 3-автобус парки (Касаба союзлари 50 йиллиги кўч., 57) 1959 й. ташкил этилган. ПАЗ-672 автобусларини эксплуатация қилишга ихтисослашган; 19 шаҳар ичида ва 12 шаҳардан ташқарига қатновчи маршрутда аҳолига хизмат кўрсатади (1988 й.—107 млн. га яқин пасс.). 4-автобус парки (Чоштепа кўч., 27) 1962 й. ташкил этилган. ЛиАЗ-677 автобусларини эксплуатация қилишга ихтисослашган; 10 шаҳар ичида ва 4 шаҳардан ташқарига қатновчи маршрутда аҳолига хизмат кўрсатади (1988 й.—44,6 млн. дан ортиқ пасс.). 7-автобус парки (Ҳалқлар дўстлиги просп., 49) 1970 й. ташкил этилган. «Икарус» автобусларини эксплуатация қилишга ихтисослашган; 12 шаҳар ичида қатновчи маршрутда аҳолига хизмат кўрсатади (1988 й.—37,5 млн. га яқин пасс.). 8-автобус парки (Юнусобод масс., Муродов кўч., 7) 1983 й. ташкил этилган. «Икарус» автобусларини эксплуатация қилишга ихтисослашган, 13 шаҳар ичидаги маршрутда аҳолига хизмат

училище имени В. И. Ленина: Краткий исторический очерк.— 2-е изд.— Т., 1958.

**Ташкентское** отделение общества востоковедения.— Т., 1902.

**Ташкенту** — 2000 лет: Альбом — очерк.— Т., 1983.

**ТОШБЕКОВ** Э. Тошкент аҳолиси ва шаҳар истиқболи.— Т., 1967.

**Тошкент:** (Адабиётлар кўрсаткичи).— Т., 1983.

**Тошкент:** (Йўл кўрсаткич).— Т.; М., 1971.

**Тошкент:** Йўлланма.— Т., 1962.

**Тошкент:** Совет Ўзбекистони пойтахти ҳақида...— Т., 1972.

**Тошкент** / (Текстлар автори Л. Қаюмов).— Т., 1975.

**Тошкент:** Фотоальбом / Р. А. Сафаров таҳрири остида.— Т., 1977.

**Тошкент:** Қискача справочник/Р. Ғ. Ғуломов таҳрири остида.— Т., 1958.

**Тошкент** кўчалари.— 2-нашри.— Т., 1972.

**Тошкент** областининг революцион ва жанговар шуҳрат ёдгорликлари.— Т., 1980.

**Тошкент** кардошлик шаҳри: Тўплам.— Т., 1970.

**Тошкентда** офат ва жасорат: Тошкент зилзиласи ҳақида /Редактор С. Акбарий; Тўпловчи Ш. Саъдулла.— Т., 1966.

**ТЎРАЕВ** Г. 1905—1907 йиллардаги революцияда Тошкент большевиклари.— Т., 1955.

**ТУРСУНОВ** Ф., **ҲОБИЛОВ** Б. Тошкент истиқболи.— Т., 1968.

**ТЮРИКОВ** А. Ю. Истории о Ташкенте: Очерки.— Т., 1983.

**У истоков** древней культуры Ташкента / Ответственный редактор Г. В. Шишкина.— Т., 1982.

**ФЕДОРОВ** М. Н. Клад караханидских дирхемов начала XI века из Ташкента // История материальной культуры Узбекистана.— Т., 1964.— вып. 5.— с. 96—111.

**ФИЛАНОВИЧ** М. И. Ташкент: Зарождение и развитие города и городской культуры.— Т., 1983.

**ХОЛМАТОВ** К., **БАРАТОВ** П. Тошкент шаҳарининг ирригация шохобчалари.— Т., 1983.

**ХОРОШХИН** А. П. Очерки Ташкента //Сборник статей, касающихся до Туркестанского края.— СПБ., 1876.— с. 77—118.

**ЦОЙ** Е. Т., **СОДИҚОВ** Ҳ. Тошкентнинг революцион ва жанговар шухрат ёдгорликлари.— Т., 1980.

**ЧЕБОТАРЕВА** В. Г. Ташкент в прошлом и настоящем: (Краткий исторический очерк).— Т., 1968.

**ЧЕРЕПАНОВ** Ю. Город солнечных встреч: [Ташкент].— Т., 1983.

**ЧЕХОВИЧ** О. Д Городское самоуправление в Ташкенте XVIII в. // История и культура народов Средней Азии: (Древность и средние века).— М., 1976.—с. 149—160.

**ШАМУХАМЕДОВ** Ш. Ш., **ДАН** З. П. Ташкентский университет — основоположник науки в Средней Азии.— Т., 1980.

**ШИШКИН** В. А. Ўзбекистон шаҳарлари: [Самарканд. Бухоро, Тошкент].— Т., 1944.

**ШИШОВ** А. Исторический очерк Ташкента // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области.— Т., 1901.— т. 32а.— кн. 64.— с. 701.

**ЮЛДАШЕВ** Х. Из истории развития социалистической промышленности Ташкента.— Т., 1960.

**ЮНУСХЎЖАЕВА** М., **МИРСМОИЛОВА** У. Тошкент тарихига оид ҳужжатлар / (Масъул муҳаррир Б. Ахмедов).— Т., 1983.

**ЮСУПОВ** Э. Ю. Ташкент древний и современный.— Т., 1983.

**ЮСУПОВ** Э. Ю. Тошкентнинг ўтмиш ва бугунги куни: (Шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейига).— Т., 1983.

**ЎРИНБОЕВ** А., **БЎРИЕВ** О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида: (XIX аср).— Т., 1983.

**ҚОДИРОВА** Т. Ф. **ПАРМУЗИН** Б. С. Тошкент: (Фотоальбом).— Т., 1979.

**ҚОРАБОЕВ** Қ. Тошкентнинг геологик замини.— Т., 1982.

**ҲОЖИЕВ** Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алокаси: (XVIII аср охири — XIX аср бошлари).— Т., 1973.

## ЙИРИК МАҚОЛАЛАР МУАЛЛИФЛАРИ:

Абдуазизова Н
Абдувалиев А
Абдуллаев П А
Абдуллаев Р С.
Абдумаликова Б.
Абдурахимов А.
Абдурахимов З.
Абдусаматов М Ш
Авдеева Л А.
Азимов С. О.
Акбаров А.
Акбаров А. Н.
Акбаров Х. Н.
Акбаров Ш. Т.
Алиев Б.
Алиев С. Т.
Алимов И.
Алламуродов Д. А.
Аминов А. А.
Аминов М. Н.
Аминов С. Н.
Аминова Р. Х.
Апухтин О. К.
Асомов Р. Д.
Аширова М.
Аҳмаджонов Э.
Аҳмедов М.
Багдасаров Ю. А.
Баратов М. Б.
Баҳодиров К.
Бельковская Л. М.
Березняк Н. Г.
Бобобеков Ҳ. Н.
Браилов А. В.
Буряков Ю. Ф.
Бухаров Г. Б.
Бучка Б. С.
Бўриев О.
Волков В. П.
Гентшке Л. В.
Гласс Ю. И.
Гуревич М. П.
Ёқубов С.
Зиёдуллаев С. К.
Зияев Ҳ. З.
Зоирова М.
Зокиров Э. М.
Зоҳидов П.
Зуфаров Қ. А.
Иброҳимов Р. Н.
Иброҳимов У. Е.
Иброҳимова З.
Иноғомов Б.
Исаев С. И.
Искандаров И. И.
Исломов Ш. И.
Йўлдошев А. М.
Йўлдошев Ж.
Қабилов Х. Р.
Камолов Х.
Камолова М.
Каримов А.
Қлименко Н. Н.
Коновалов Н М
Кременцова А Н
Крилова Л Н
Лунин Б В
Мавлонов Г О
Мажидов А М
Мансуров Я
Манковьская Л Ю
Монастиретская В. Ф.
Муллажонов Н. Р.
Мусаев М. М.
Мусаев С. Г.
Мукминова Р. Г.
Мухаммаджонов А. Р.
Мухаммадкаримов А. А.
Набиев А С.
Набиев Т. Н.
Нажимов Г. З.
Нажмиддинов Ф. Н.
Нажмиддинова Г.
Назаров М. Х.
Назиров Х. У.
Назруллаев Ф. Н.
Неъматов Н.
Низомова Ғ. Э.
Носиров А.
Носиров А. З.
Нуруллин Р. А.
Орипова Л. Н.
Отажонов С. М.
Охунова М. О.
Пўлатов А.
Пўлатов Б.
Пўлатов Т. Ю.
Пўлатов Х.
Ражабов С. Р.
Раимов Т. И.
Расулов Х.
Рашидов Ғ. Р.
Раҳмат Файзий
Раҳмонов М. Р.
Ртвеладзе Э. В.
Русаков В. Е.
Рўзиева М.
Рўзимуҳамедова Н.
Сайдвалиев С.
Сайдалиев Х.
Салимов С. С.
Салоҳиддинов М. С.
Саркаева М.
Сатторов И. Г.
Сафаров Н.
Сафаров Р. А.
Собиров Н.
Собиров Х. Р.
Содиков А. С.
Содиков Т.
Содиков С.
Султонов Б. С.
Султонов М.
Темуров Ш.
Тешабоев Ж.
Токтош Х. Р.
Тохиров З
Турмухаммедов Н.
Турсунов Х. Т.
Тўлаганов А. Т.
Тўлаганов К. С.
Тўраев Н.
Тўхтаев Т. М.
Тўклиев Н. Т.
Убайдуллаев А. У.
Убайдуллаев Х.
Умаров А. Р.
Умаров Ш. Х.
Умаров Э.
Усмонов М. З.
Усмонова З. Н.
Фатхуллаев Н.
Фахретдинова Д. А.
Филанович М. И.
Хайруллаев М. М.
Холматов К. Х.
Холназаров С. Х.
Хўжаев Р. Ф.
Хўжаева С.
Чабров Г. Н.
Шарипова М. К.
Шерматов Э. Т.
Шермуҳамедов Т. Ж.
Шермуҳамедов Я. Ш.
Шокиров З. З.
Шоломицкий Ю. С.
Шомуҳамедов Ш. М.
Шораҳмедов Д. А.
Шораҳмедов Ж. А.
Эгамбердиев А.
Эгамбердиев Р.
Эмиров А. А.
Эшонхўжаев У. М.
Юнусов Н.
Юсупов С. М.
Ўлмасов А. У.
Ўрозбоев Р. Ю.
Қаюмов А. П.
Қаюмов П.
Қобулова Р.
Қодиров М. Х.
Қодирова Т. Ф.
Қорахонов М.
Қосимов Б.
Қосимов Х.
Қосимова О.
Қурбонов К.
Қўшжонов М. Қ.
Ғофурбеков Т. Б.
Ғуломов Ё. Ғ.
Ҳайитметов А.
Ҳамидов А. Х.
Ҳамидхўжаев А. Х.
Ҳамроева Н.
Ҳасанов А.
Ҳасанов Ф.

**Тошкент:** Қомус/Таҳрир ҳайъати: Н. Тўқлиев (Бош муҳаррир)... М. Аминов (масъул муҳаррир) ва б.— Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.— 495 бет.

**Ташкент:** Энциклопедия.

ББК 65.9(2У) я2

№ 532—92
Навоий номли ЎзЖ
Давлат кутубхонаси.

**Тошкент**
(Қомус)

Комуслар Бош таҳририяти. Тошкент — 1992.

Теришга берилди 1990.15.03. Босишга рухсат этилди 1992.25.06. Коғоз бичими 70×100$^1/_{16}$. 1- рақамли қоғозда офсет усулда босилди. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 61., Шартли босма тобок 39,9. Тиражи 10 000. Буюртма № 6301. Баҳоси шартнома асосида. цена - 1050/руб.

Комуслар Бош таҳририяти, 700 000, Тошкент, Жуковский кўчаси, 52- уй.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат комитети Тошкент матбаа комбинатининг ижара пудратидаги корхонасида босилди. Тошкент, 700 129, Навоий кўчаси, 30- уй.